

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ФУРҚАТ ФАТУЛЛОЕВИЧ СОДИҚОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ССРда МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ
ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1917-1938 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Фуркат Фатуллоевич Содиков

Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти

(1917-1938 йиллар).....3

Фуркат Фатуллоевич Содиков

Деятельность местных органов управления в Узбекской ССР

(1917-1938 годы).....26

Furkat Fatulloevich Sodikhov

Activities of local authority in Uzbekistan SSR (1917-1938)49

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТАРИХ ИНСТИТУТИ

ФУРҚАТ ФАТУЛЛОЕВИЧ СОДИҚОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ССРда МАҲАЛЛИЙ БОШҚАРУВ
ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ (1917-1938 йиллар)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент, 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Таг335 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.fati.uz) ва "ZiyoNET" ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раҳбархон Ҳамидовна Муртазаева
тарих фанлари доктори, профессор

Абдулла Нуриддинович Расулов
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузурдаги илмий даражаларини берувчи DSc.02/30.12.2019.Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "25" март соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Яхё Гуломов кўчаси, Фанлар академияси асосий биноси, 70-уй, 110-хона. Тел.: (+99871) 233-54-70; факс: (+99871)233-39-91, e-mail: info@fati.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (10 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш., Зиёлилар кўчаси, 13-уй). Тел.: (+99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2022 йил "14" март куни тарқатилди.
(2022 йил "11" мартдаги 4 - рақамли реестр баённомаси билан.)

Азамат Зиё

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Х.С. Жуманазаров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Н.А. Аллаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузурдаги илмий семинар раиси, тарих фанлари доктори, катта илмий ходим



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг турли давлатларида содир бўлаётган сиёсий тўнтаришлар, норозилик ҳаракатлари ва ихтилофларнинг аксарияти давлат бошқарув тизимининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги ва халқ билан мулоқотнинг етарли даражада олиб борилмаслиги натижасида содир бўлмоқда. Шу жиҳатдан, XX асрнинг бошида Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг маҳаллий бошқарув идоралари тизимида олиб борилган сиёсатни фанда эътироф этилган тадқиқот усуллари орқали ўрганиш тарихчилар олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунёнинг кўплаб илмий марказларида Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва бошқарув тизимини ўрганиш борасида илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, АҚШнинг Карлтон Коллежида, Австрия Фанлар академияси Эроншунослик тадқиқотлар институтида, Англиянинг Ливерпул университетларида Туркистон минтақасида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва бошқарув тизимини ўрганишга эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, Туркистон АССР, Бухоро Халқ Совет Республикаси, Хоразм Халқ Совет Республикаси ва Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идораларининг тузилиши, ҳуқуқий асослари ва шаклланиш босқичлари, шунингдек, ушбу идоралар фаолияти ва совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатнинг олиб борилиши, ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши ва аёллар сиёсатининг таъсири масалаларини ўрганиш ўз ечимини кутмоқда.

Мустақиллик йилларида тарихни холис ўрганишга, Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ёритишда етарлича тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Шундан келиб чиқиб, “холисона ёндашув асосида ўзбек халқининг давлатчилиги тарихи бўйича тадқиқотларни амалга ошириш, ўтмишни сохталаштирилишига йўл қўймаслик”¹ долзарб вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идоралари масалаларини бирламчи манбалар асосида таҳлил қилиш, совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган маҳаллий бошқарув сиёсати ҳамда унинг республика ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётига таъсирини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 01 мартдаги ПФ-81-сон “Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 июндаги 380-сон Қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 292-сон қарори, <https://lex.uz/docs/3207162>

белгиланган вазифаларни амалга оширишда, шунингдек, Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ айрим жиҳатларни ёритишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” дастурининг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистондаги маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти тадқиқотчиларда ҳар доим катта қизиқиш уйғотиб келган. Диссертация мавзусига доир илмий тадқиқот ишларини шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга совет давридаги илмий-амалий тадқиқотлар, иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида нашр қилинган ишлар ва учинчи гуруҳга тадқиқ этилаётган муаммонинг хорижий олимлар томонидан ўрганилиши киради.

Биринчи гуруҳга кирувчи, совет ҳокимияти йилларида фаолият юритган давлат ва сиёсат арбобларининг асарларида Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (Туркистон АССР)да совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (Ўзбекистон ССР)нинг тузилиши, миллий-ҳудудий чегараланиш сиёсати, ер-сув ислоҳотининг ўтказилиши, Ўзбекистонда районлаштиришнинг ўтказилиши натижасида бошқарув идораларидаги ўзгаришлар тўғрисида фикр юритилади².

XX аср 20-50 йилларида чоп этилган адабиётларда³ Туркистон АССР, Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР), Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ва Ўзбекистон ССРнинг тузилиши, марказий ва маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши, маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти

² Рыскулов Т. Революция и коренное население Туркестана. Сборник статей, докладов, речей и тезисов с предисловием автора. Часть I. 1917-1919 гг. – Ташкент: Узбекгосиздат, 1925; Ўша муаллиф: Избранные труды. – Алма-ата: Казахстан, 1984. Ходжаев Ф. О национальном размежевании Средней Азии. – Москва, Ташкент: 1934. Хўжаев Ф. Танланган асарлар. Уч томлик. Том I. – Тошкент: Фан, 1976; Том II. – Тошкент: Фан, 1978; Том III. – Тошкент: Фан, – 1980; Икромов А. О земельной реформе и ближайших задачах реконструкции сельского хозяйства. Из доклада на II курултае Советов Узбекской ССР: Избранные труды. В трех томах. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 1972; Юсупов У. Избранные труды в трех томах. Том I. – Ташкент: Узбекистан, 1983; Охунбобоев Й. Танланган асарлар. Тўлдирилган 2-нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 1985.

³ Черняевский Е. Сайлаулар-саили. Праздник выборов. – Ташкент: Центроизбирком УзССР. 1927; Галузо П. Туркестан – колония. – Москва, 1929; Бенедиктов И. Коллективизация и классовое расслоение кишлака и аула Средней Азии. (Таблицы и диаграммы). – Ташкент, 1930; Ишанов А.И. Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920 – 1924 гг.). – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1955; Непомнин. В. Очерки истории социалистического строительства в Узбекистане (1917 – 1937 гг.). – Ташкент: Издательство академии наук Узбекской ССР, 1957; Додонов И.К. Победа Октябрьской революции в Туркестане. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1958; Иноятов Х.Ш. Октябрьская революция в Узбекистане. – Москва: Госполитиздат, 1958; Турсунов Х. Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг барпо этилиши. – Тошкент: Академнашр, 1958; Уразаев Ш. 3. Туркестанская АССР и ее государственно-правовые особенности. – Ташкент: Госиздат УзССР, 1958; Йўлдошев М. Хива хонлиги феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: Ўзбекистон ССР давлат нашриёти, 1959.

келтириб ўтилган. Ушбу даврда амалга оширилган тадқиқотларда мафкуравий қарашлар кучли бўлиб, бошқарув тизимидаги камчиликларни кўрсатиш ўрнига бу даврнинг кўкларга кўтарилиши одат тусига кирган эди. XX аср 60-80 йилларида олиб борилган тадқиқотларда мафкуравий жиҳатдан бир ёклама қарашлар мавжуд бўлишига қарамай, Ўзбекистон ССР маҳаллий бошқарув идораларининг ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатлари очиқ берилгани, ушбу идораларнинг фаолиятига таъсир қилувчи омиллар келтириб ўтилгани ва мавжуд муаммолар ёритиб берилганини кўришимиз мумкин⁴. М.Ҳақимов, А.Аъзамхўжаев, О.Эшонов, Ж.Зайченко асарлари буларга мисол бўла олади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи, мустақиллик йилларида чоп этилган тарихий адабиётлар орасида коллектив ва фундаментал тадқиқотлар⁵ салмоқли ўрин эгаллайди. Бу мавзуга оид Р.Абдуллаев, С.Аъзамхўжаев, Қ.Ражабов, М.Ҳайдаров ва бошқалар томонидан ёзилган монографиялар⁶ ҳамда ҳимоя қилинган диссертациялар⁷ мавжуд. Мазкур изланишларда совет

⁴ Комилов К. Колхоз хўжалигини ривожлантиришда қишлоқ советларининг роли. – Тошкент: Ўздавнашр, 1960; Комилов К. Маҳалла комитетлари. – Тошкент: Ўзфанакаднашр, 1961; Кадыров А. Местные советы Туркестанской АССР (1917-1924 гг.) // Общественные науки в Узбекистане, 1961, № 8; Хақимов М. Развитие национальной советской государственности в Узбекистане в период перехода к социализму: основные проблемы. – Ташкент: Наука, 1965; Ишанов А. Бухарская Народная Советская Республика. – Ташкент: Узбекистан, 1968; Искандаров Б. Бухара (1918 – 1920 гг.). – Душанбе: Издательство Дониш, 1970; Аъзамхўжаев А. Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва ривожланиши. – Тошкент: Фан, 1974; Иноятов Х.Ш. Победа советской власти в Туркестане. – Москва: Мысль, 1978; Султонов С. Совет қурилиши. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984; Зайченко Ж.А. Классовая борьба в узбекском кишлаке.(1925 – 1929). – Ташкент: Узбекистан, 1989. Поляков С.П. Традиционализм в современном среднеазиатском обществе. – Москва. 1989; Бугай Н.Ф. Чрезвычайные органы Советской власти: ревкомы. 1918 – 1921 гг. – Москва: Наука, 1990.

⁵ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р. Ражапова – Ташкент: Шарк, 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. – Тошкент: Шарк, 2000; Очерки по истории государственности Узбекистана. – Ташкент, Шарк, 2001; Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. – Тошкент, Ўзбекистон, 2015; Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент, O'zbekiston, 2019.

⁶ Хусанов О. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Тошкент: Шарк, 1996; Аъзамхўжаев С. Туркистон мухторияти: миллий-демократик давлатчилик қурилиши тажрибаси. – Тошкент: Маънавият, 2000; Ражабов Қ. Мустақил Туркистон фикри учун мужодалалар(1917-1935 й.). – Тошкент: Ўзбекистон, 2000; Ўша муаллиф. Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш: тарих ҳақиқати.(1920-1924 йиллар). – Маънавият, 2002; Ўша муаллиф. Фарғона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари (1918-1924 йиллар). – Тошкент: Yangi nash, 2015; Ражабов Қ., Иноятов С. Бухоро тарихи. – Тошкент: Тафаккур, 2016; Ражабов Қ. Туркистон Мухторияти вазирлари ҳамда Миллий Мажлис аъзолари ҳаёти ва тақдири. – Тошкент: Vodomzor invest, 2021; Ўша муаллиф. Назир Ражабов. Vodomzor invest, 2021; Ҳайдаров М. Ўзбекистонда совет давлати бошқарув тизими: шаклланиши, босқичлари ва моҳияти (1917 – 1941 йиллар). – Тошкент: Abu matbuot-konsalt, 2012; Ретвеладзе Э., Алимова Д. “Хорезм в истории государственности Узбекистана”. – Ташкент: Издателства Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти. – 2013; Абдуллаев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917-1918 годы. Второе издание. – Ташкент: Adabiyot uchqunlari, 2016; Маҳалла – фуқаролар ўзини ўзи бошқаруви институтининг ноёб намунаси./ илмий тўплам. Масъул муҳаррир: Р. Муртазаева. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2016; Маликова Г. Маҳалла институти ривожланишининг тарихий-ҳуқуқий масалалари. – Тошкент: Янги китоб, 2017; Ўзбекистон маҳаллалари: кеча ва бугун. Монография. Масъул муҳаррир: Н. Эгамбердиева. – Тошкент: 2021.

⁷ Ганибоев Х.М. Развитие местных органов власти и их роль в осуществлении демократических реформ в Узбекистане. (1924-1929 гг.): Афтореф дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Утепбергенова У. Изучения вопросов экономического и социально-культурного развития узбекского кишлака в исторической литературе Узбекистана (20-30 –е годы): Афтореф. дисс. ... канд. ист. наук. – Ташкент, 1994; Султонов С.А. Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти органларининг вужудга келиши ва таракқиётининг асосий

ҳукумати томонидан Ўзбекистоннинг маҳаллий бошқарув идоралари тизимида олиб борган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий сиёсатининг айрим жиҳатлари тадқиқ этилган. СССР тарқалиб, унинг ўрнида мустақил давлатлар ташкил топгач, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда яратилган тарихий тадқиқотларда Ўзбекистон ССРдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва бошқарув тизимининг маълум бир масалалари ёритилган⁸. Хусусан, С.Абашин асарларида Туркистон АССРдаги инқилобий қўмиталар, қишлоқ ва маҳаллаларнинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва этнографик жиҳатлари акс этган.

Учинчи гуруҳ, яъни хорижда яратилган мавзуга доир тадқиқотларда⁹ совет ҳукуматининг Ўрта Осиё республикаларини босиб олиши ва янги бошқарув тизимини жорий қилиши, ушбу республикалардаги ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг кечиши, Ўзбекистон ССРнинг ташкил топиши ва бошқарув идораларининг шаклланиши ёритиб берилган. Хусусан, Адиб Холид ва Беатриче Пенетти тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Катта тарихий давр мобайнида яратилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, уларда тадқиқ қилинаётган мавзунинг айрим жиҳатларигина очиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти тарихчилар томонидан махсус ўрганилмаган. Бу, ўз навбатида, мавзунини алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганишга имкон беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институтида ИФА-2012-1-4 “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 й.)” номли инновацион ва ФА-А-Г028 ПЗ-2014-0912205347 “Ўрта Осиё республикаларида ўтказилган миллий-

босқичлари(1917-1937): Юрид. фан. док. ... дисс. – Тошкент, 1995; Азизов И. XIX асрнинг сўнгги чораги – XX аср бошида Бухоро амирлигида солиқ тизими: Тарих фанлари бўйича фалсафа док. ... диссертацияси. – Тошкент: 2018; Рашидов О. Ўзбекистонда совет ҳокимиятининг миллий сиёсатида давлат идораларининг маҳаллийлаштирилиши (1918-1933й.): Тарих фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. афтореф. – Тошкент, 2018; Рахматов М. Туркистондаги очарчилик ва унинг оқибатлари (1917-1924й.): Тарих фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. афтореф. – Тошкент, 2019; Ишқувватов В. Ўзбекистонда ўзини ўзи бошқариш органларининг ривожланиш тарихи (1991-2020 йй.): Тарих фанлари док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020; Норматов О. Ўрта Осиёда 1926 йили ўтказилган районлаштириш сиёсатининг Ўзбекистон ижтимоий ва иқтисодий ҳаётига таъсири: Тарих фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. афтореф. – Тошкент: 2020.

⁸ Абашин С. Советская власть и узбекская махалля.//Неприкосновенный запас. №4 (78). – Москва: 2011. – С. 95-110; Ўша муаллиф: Советский кишлак. Между колониализмом и модернизацией. – Москва: Новое литературное обозрение. 2015; Ларина Е.И. Национальное самосознание и традиционные социальные институты в Центральной Азии// Вестник Московского университета серия 8. История. 2012. № 4. – С. 66-90; История Казахстана и Центральной Азии. – Алматы: Дайк-Пресс, 2001; Гафуров А.М. Ревкомы Таджикистана (1917-1924 гг.). – Душанбе, 2008.

⁹ Holdsworth M. Turkestan in the nineteenth century. A brief history of the khanates of Bukhara, Kokand and Khiva. – Oxford, 1959; Hayit B. Islam and Turkestan under Russian rule. – Istanbul, Can matbaa, 1987; Allworth E. The modern Uzbeks: From the fourteenth century to the present: a cultural history. – Standford, Calif.: Hoover Institution Press, Standford University, 1990; Penati B. The reconquest of East Bukhara: the struggle against the Basmachi as a prelude to Sovietization // Central Asian Survey, December 2007. № 26(4); Pianchiola N, Sartori P. Waqf in Turkestan: the colonial legacy and the fate of an Islamic institution in early Soviet Central Asia, 1917-1924 // Central Asian Survey, December 2007. № 26(4); Khalid A. A new history from the imperial coquestests to the present. Princeton, Oksford. Princeton University Press, 2021; Sartori P. and Abdurasulov U. Seeking Justice at the Court of the Khans of Khiva. – Leiden, Boston. Brill’s Inner Asian Library, 2021.

худудий чегараланиш сиёсати ва унинг оқибатлари (1924-1925 й.)” (2015-2017 йй.) номли амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон ССРда 1917-1938 йилларда маҳаллий бошқарув идоралари тарихини ва давлат сиёсий тизимидаги ўрнини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, минтақада янги бошқарув тизимининг ташкил этилиши ҳамда марказий ва маҳаллий бошқарув идораларининг тузилиши, унинг ривожланиш босқичлари, шунингдек, ундаги муаммоларни таҳлил этиш;

Хива хонлиги ва Бухоро амирлигида маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти, уларнинг ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ўрганиш;

Хива хонлиги ҳамда Бухоро амирлигида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши, уларда анъанавий бошқарув тизимининг тугатилиши, ХХСР ва БХСРда совет андозасида янги маҳаллий бошқарув идораларининг ташкил этилиши ва уларнинг фаолиятини тадқиқ этиш;

Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилиши, маҳаллий бошқарув идоралари шаклланишининг ҳуқуқий асосларининг яратилиши, сайлов тизимидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ССРда 1927-1938 йилларда маҳаллий бошқарув идоралари тизимида амалга оширилган ислохотлар ва ундаги муаммоларни ўрганиш;

тадқиқотнинг илмий хулосалари асосида тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон ССР ҳудудида маҳаллий бошқарув идоралари (1917-1938 йиллар) белгиланган.

Тадқиқотнинг предметини маҳаллий бошқарув идоралари бўлган вилоят, туман, волость ва қишлоқ советлари ва уларнинг ижроия қўмиталари, сайлов тизими, мазкур советларнинг фаолияти ва ҳуқуқий асоси ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида қиёсий, тизимлаштириш, статистик, даврий, синтез ва контент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Туркистон АССРда совет ҳокимияти ўрнатилгач, маҳаллий бошқарув идораларини ташкил этиш, уларда хизмат қиладиган кадрларни танлаш, фаолиятини назорат қилиш ва халқни совет режими ғояларига эргаштириш учун ҳарбий ва фуқаролик бошқарувининг кенг ваколатларига эга бўлган инқилобий қўмиталар ва қишлоқ аҳолисининг камбағал қатлами билан ишлашга йўналтирилган “Қишлоқ камбағаллари қўмиталари”дан фойдаланганлиги далилланган;

ХХСР ва БХСРда маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши иккита тарихий босқичга бўлиниб, дастлабки босқич 1920 - 1923 йилларни ўз ичига олиб, унда ХХСР ва БХСРда маҳаллий бошқарувнинг анъанавий шакллари, масчитқавмлар ва қишлоқ жамоасининг умумий йиғилиши ва

уларни бошқарадиган оқсоқоллар институтининг сақланиб қолингани, маҳаллий бошқарув идораларида ўтказиладиган сайловларда савдогар, хусусий мулк вакиллари ва тадбиркорларнинг иштирок этиши, иккинчи босқич 1923-1924 йилларда маҳаллий бошқарув идоралари тўлик советлаштирилиши, оқсоқоллик институтининг ўрнига қишлоқ совети раиси лавозими жорий этилиши, маҳаллий бошқарув идораларида ўтказиладиган сайловларда биринчи босқичда кўрсатилган тоифаларнинг иштирок этилишига йўл қўйилмаганлиги аниқланган;

Ўзбекистон ССРда йирик ер эгаларининг ерларини давлат тасарруфига ўтказиш ва уларни деҳқон ва батрақларга бўлиб бериш оқибатида қишлоқларда синфий курашнинг авж олишини келтириб чиқарган ер-сув ислохотининг ўтказилиши, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштирокини таъминлаш ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракатнинг амалга оширилиши маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши ва фаолиятига таъсир қилган асосий омиллар эканлиги очиб берилган;

қишлоқ советларида рус тилини биладиган кадрларнинг етишмаслиги ва уларнинг иқтисодий жиҳатдан етарлича таъминланмаганлиги натижасида, Ўзбекистон ССР маҳаллий бошқарув тизимида ушбу идора энг оғир аҳволга тушиб қолишига сабаб бўлганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти ҳақидаги илмий хулосалардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ёзишда қўлланилиши мумкин бўлган жиҳатлари аниқланган;

архив ҳужжатлари ва бошқа тарихий манбалар таҳлили асосида Ўзбекистонда маҳаллий бошқарув идоралари фаолияти тарихига доир бир қатор ҳужжатлар ўрганилиб, янги маълумотлар илмий муомалага киритилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда тарих фанида тан олинган назарий ёндашув ва усулларнинг қўлланилгани, кўплаб бирламчи манбалар ва илмий адабиётлардан фойдаланилгани ҳамда хулоса, таклиф, тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Ўзбекистон ССРда совет ҳокимияти юритган бошқарув сиёсатининг моҳияти, республикадаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар ҳамда маҳаллий бошқарув идоралари тарихи тўғрисида илмий-назарий билимларни янада чуқурлаштириш, ушбу масалага доир илмий хулосаларни амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг совет даври тарихини ўрганишда, тарихий билимларни ривожлантиришда, шунингдек, олий ўқув юртлари ва ўрта махсус таълим тизимида дарсликлар,

ўқув қўлланмалар ва қўшимча адабиётлар тайёрлаш борасида давлат дастурларини бажаришда хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идоралари фаолиятини (1917-1938 йиллар) тадқиқ қилиш давомида олинган илмий натижа ва амалий таклифлар асосида:

Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши ва фаолиятига таъсир қилган турли омиллар, совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг олиб борилиши, Туркистон минтақасида очарчиликнинг авж олиши, Ўзбекистон ССРда ер-сув ислохотининг ўтказилиши, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган “Хужум” ҳаракатининг амалга оширилиши каби илмий хулосалардан Ўзбекистон Фанлар Академияси Тарих институти томонидан тайёрланган икки жилдлик “Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар)” номли фундаментал тадқиқотда монографияда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 10 февралдаги 3/1255-407-сон маълумотномаси). Натижада, ушбу тадқиқот жамиятда инсонлар онгида реал тарихий ҳақиқат ва тафаккурни шакллантиришга манба сифатида хизмат қилган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O‘zbekiston tarixi” телеканали “Tarixiy savol” кўрсатувини тайёрлашда тадқиқотдаги илмий-назарий хулосалар, жумладан, Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши, унинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституцияларининг мазмун-моҳияти, сайлов тизими, ушбу тизимдаги муаммо ва камчиликларга оид маълумотлардан фойдаланилган (“O‘zbekiston tarixi” ДУКнинг 2020 йил 14 январдаги 02-40-113-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон ССР маҳаллий бошқарув идоралари шаклланиши ва фаолияти бўйича кенг жамоатчиликни яқиндан хабардор бўлиши учун илмий асос бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий конференцияда, жумладан, 2 та халқаро, 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияси асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган нашрларда 7 та (улардан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда) мақола, 8 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманлар тезисларида эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланиб, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, ўрганилиш даражаси, объекти ва предмети ва аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва

технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Туркистон ўлкасида янги маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши (1917-1924 йиллар)”** деб номланган биринчи бобида Туркистон АССРда маҳаллий бошқарув идораларининг ташкил топиши, сайлов тизими, фаолияти, муаммолари ва марказий бошқарувдаги ўрни очиб берилган.

1917 йил 27 февраль куни Петроград (ҳозирги Санк-Петербург)даги Февраль инқилоби натижасида Россия империяси тугатилди. 2 мартда ишчи ва солдат депутатлари Петроград совети ва Давлат думаси Муваққат кўмитаси билан келишув асосида Россияда Муваққат ҳукумат тузилди¹⁰. Россиядаги воқеалар тафсилоти 1917 йилнинг март ойи бошларида Туркистонга етиб келди ва Туркистон генерал-губернаторлиги ўрнида Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистон Комитети тузилди. Шу билан бирга ишчи ва солдат депутатларининг Советлари ҳам ташкил топди¹¹.

Туркистон Комитети томонидан тугатилган подшо маъмурияти ўрнига аста-секин бутун Туркистон бўйлаб ҳар бир шаҳар, уезд, волость, кишлок ва посёлка (кўрғон)ларда жамоат ташкилотларининг ижроия комитетлари, яъни жамоат хавфсизлиги деб номланган комитетлар тузилди¹². Айнан улар Советлар бошқаруви ҳокимиятга келган вақтга қадар Туркистонда маҳаллий ҳокимиятни ташкил этдилар. Барча шаҳарларда ўзини ўзи бошқариш идоралари – Думалар тузилди.

1917 йил 25-27 октябр кунлари Петроградда болшевиклар томонидан давлат тўнтариши амалга оширилди. Ҳокимиятни қўлга олган болшевиклар ва сўл эсерлар Туркистондаги давлат бошқарув тизимини коммунистик мафкура асосида қайта тузади. Туркистон ўлка Советларининг III съезди 1917 йил 22 ноябрда “Жойларда ҳокимиятни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорни¹³ ва ушбу қарор асосида 1917 йил 10 декабрда Туркистон Халқ Комиссарлари Совети “Маҳаллий Советларни ташкил этиш тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқди¹⁴. Айнан шу Низом асосида маҳаллий Советларнинг дастлабки тузилмаси яратилди.

Туркистон АССРнинг 1918 йилнинг 5-15 октябр кунлари бўлиб ўтган Фавкулудда VI съездида унинг Конституцияси қабул қилинди. Туркистон

¹⁰ Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Научный редактор: Р. Раджапова – Ташкент: Шарк, 2000. – С.19.

¹¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир: М. Жўраев. – Тошкент: Шарк, 2000. – Б.23.

¹² Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда. Масъул муҳаррирлар: Р. Абдуллаев, М. Раҳимов, Қ. Ражабов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2019. – Б. 24.

¹³ Рудницкая Д. Из истории строительства советов в Туркестане. (1917-1920 гг.) – Ташкент: Наука, 1964. – С. 69.

¹⁴ Рудницкая Д. Из истории строительства советов в Туркестане. (1917-1920 гг.) – С. 69.

АССР Конституцияси республикада маҳаллий бошқарув идораларининг ҳуқуқий асосини таъминлаб берди. Унга кўра, ҳокимият вилоят ҳудудларида Советларнинг вилоят съездига, уезд ҳудудларида Советларнинг уезд съездига, волость ҳудудида Советларнинг волость съездига, шаҳар, қишлоқ, шаҳар типигаги қишлоқлар, овуллар ҳудудида шу жойлар ишчи, солдат, деҳқон депутатлари Советларига ва сайловчиларнинг бевосита умумий йиғилишига тегишли бўлган¹⁵.

Конституцияга кўра, Туркистонда фаол ва суёт сайлов ҳуқуқи жорий этилди. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан қуйидаги тоифаларга кирувчи кишилар маҳрум қилинган:

а) фойда келтиришни мақсад қилувчи ёлланма меҳнатдан фойдаланган шахслар; б) меҳнат қилмасдан топилган даромадлар ҳисобига яшовчилар, яъни кўчмас мулк ёки сармоядан келувчи фойда фоизи ҳисобига яшовчи шахслар; в) хусусий савдо воситачилари; г) монахлар, черковлар ва диний зиёратгоҳларда хизмат қилувчи диний хизматчилар; д) полиция, хусусан, жандарм ва охранка бўлимларининг собиқ агентлари ва хизматчилари, шунингдек, Россияда ҳукмронлик қилган подшо хонадони аъзолари; е) руҳий хаста бўлганлар деб тан олинган ва эътироф этилган кишилар ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар; ж) мавжуд қонун ва суд ҳукми билан оғир жинояти учун жазо муддатини ўтаётган шахслар¹⁶.

Туркистонда аксилинқилобий ва ҳарбий шароитларга мослаштирилган дастлабки ревкомлар 1919 йилнинг баҳор ва ёз ойларида Самарқанд ва Фарғона вилоятининг Андижон, Қўқон, Наманган уездларида тузилди¹⁷. Улар ижроия кўмиталари ўрнига муваққат ревкомлар шаклида тузилган эди. Ижроия кўмиталарининг раҳбарияти ва айрим аъзоларидан ташқари барча аъзолар ўз фаолиятини ревкомларда ҳам давом эттиришган. Ревкомларнинг ҳуқуқий асосини яратиш мақсадида 1920 йил 5 февралда Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси (Туркистон МИК) 201-сонли “Вилоят инқилобий кўмиталари тўғрисида” муваққат Низомни қабул қилди. Вилоят ревкомлари Туркистон МИКга бўйсунган ва Ички ишлар халқ комиссарлиги кўрсатмалари асосида иш олиб борган. Мазкур кўмиталар Еттисув вилоятида 7 кишидан, Туркистоннинг қолган вилоятларда 5 кишидан иборат қилиб тузилган. Ревком аъзолари ижроия кўмиталаридан фарқли равишда ўзидан юқори турувчи идоралар томонидан сайланмаган, балки тайинланган. Ревкомларга ўз ҳудудларида жуда катта ҳуқуқлар берилган. Буларга совет ҳукумати идораларини назорат ва тафтиш қилиш, уларни ва ҳарбий тузилмаларни советларга қарши кучлардан тозалаш, маҳаллий советлар ва ижроия кўмиталарини тугатиш, советларга қарши бўлган инсонлар ёки бутун бир ташкилотларни қамоққа олиш каби ваколатлар кирган¹⁸.

¹⁵ Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2231-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 3-варақнинг орқаси.

¹⁶ Ўзбекистон Миллий архиви, Р-2231-фонд, 1-рўйхат, 290-иш, 14-варақ.

¹⁷ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда. – Б. 243.

¹⁸ Ўзбекистон Миллий архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 210-иш, 285-варақ.

Туркистоннинг бошқа ҳудудлари каби Амударё бўлимида ҳам Февраль инқилобидан сўнг жамоат хавфсизлиги ижроия қўмиталари тузилди. 1917 йил 7 мартда¹⁹ бўлимнинг маъмурий маркази Петро-Александровск (ҳозирги Тўрткўл) шаҳрида сайланадиган жамоат хавфсизлигининг ижроия қўмитаси ташкил топди. Унинг раиси Самборский бўлиб, мазкур қўмита ўз таркибига кўра руслардан иборат эди. Шаҳар гарнизони солдатлари билан қўшиб ҳисоблаганда шаҳар аҳолисининг тўртдан уч қисмини ҳам рус аҳолиси вакиллари ташкил этган. Бўлим аҳолисининг 95 фоизи эса овулларда яшаган. Амударё бўлими ревкоми 1919 йил 8 сентябрда тузилди. Амударё ревкомида қуйидаги бўлимлар фаолият юритган: 1) бошқарув; 2) халқ таълими; 3) адлия; 4) фавқулодда тергов комиссияси; 5) халқ хўжалиги; 6) озиқ-овқат; 7) ҳарбий комиссарлик; 8) ер хўжалиги; 9) сув хўжалиги кичик бўлими; 10) меҳнат ва ижтимоий ҳимоя бўлимлари²⁰.

1920 йилнинг охири – 1921 йилнинг бошларида хотин-қизлар қўмиталари фаолиятида жонланиш кузатилди ва аёллар маҳаллий советлар ишига жалб қилина бошланди. Барча маҳаллий советлар ичида Тошкент шаҳар советида бу ишлар яхши йўлга қўйилган эди. 1921 йилнинг 1 июлида мазкур советнинг 80 нафар аъзосини аёллар ташкил этиб, шундан 19 нафари маҳаллий миллат вакилларида иборат эди²¹.

Совет ҳукумати иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, маҳаллий бошқарув идоралари бўлимларини соддалаштириб, уларда ишлаётган ходимлар штатини қисқартириб борган. 1924 йилнинг феврал ойи ҳолатида вилоят ва уезд ижроия қўмиталари қуйидаги бўлимлардан иборат бўлган: 1) маъмурий; 2) умумий; 3) молиявий; 4) ер-сув; 5) меҳнат; 6) халқ таълими; 7) ишчи-деҳқон инспекциси; 8) статистика бюроси; 9) ҳарбий; 10) прокуратура ва суд; 11) ГПУ(Бош сиёсий бошқарма)²². Шу йилнинг ёзига келиб маҳаллий бошқарув бўлимларини соддалаштириш давом этган. Бунга Самарқанд уезд ижроия қўмитаси бошқарув таркибини мисол келтириш мумкин. 1924 йил 25 июнь ҳолатида Самарқанд уезди 1) халқ таълими, 2) ер-сув, 3) умумий, 4) статистик, 5) маъмурий бўлимлардан иборат бўлган²³. Бу ҳолат шундоқ ҳам ўз фаолиятини ташкиллаштиришда қийинчиликларга учраётган маҳаллий бошқарув идораларининг иш ҳажмининг кўпайишига ва фаолиятида натижадорликка эриша олмаслигига олиб келган.

Хуллас, Туркистон АССРда вилоят, уезд, волост ва қишлоқ советлари тузилиб, улар, ўз навбатида, ижроия қўмиталарини ташкил этган. Қуролли қаршилик ҳаракатлари олиб борилаётган ҳудудларда эса ревкомлар тузилган.

¹⁹ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда. – Б.365.

²⁰ Жуманиёзов Д. Структура, форма и метод работы ревкома Амударьинского отдела // Вестник Каракалпакского государственного университета им. Бердаха. №1.2017. – Б. 96.

²¹ *Ҳакимов М.* Развитие национальной советской государственности в Узбекистане. – Ташкент: Наука, 1965. – С. 190.

²² Ўзбекистон Миллий архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 805-иш, 23-варак.

²³ Ўзбекистон Миллий архиви, Р-17-фонд, 1-рўйхат, 811-иш, 164-варак.

Ушбу идоралар Туркистон АССРни совет ҳокимияти доирасида тутиб туриш учун хизмат қилган.

“Хоразм ва Бухорода маҳаллий бошқарув идоралари ва улардаги ўзгаришлар (1917-1924 йиллар)” номли иккинчи бобда Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидаги маҳаллий ҳокимият тизими, улардаги ўхшашлик ва ўзгаришлар, ХХСР ва БХСРда маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши масалалари очиб берилган.

XX асрнинг бошларида Хива хонлиги маъмурий жиҳатдан 20 та беклик (қалъа беги) ва 2 та ноибликка бўлинган эди²⁴. Хива шаҳри ва унга туташ ҳудудлар эса хонга бўйсунувчи алоҳида туман бўлган. Мазкур беклик ва ноибликларни ҳоким ва ноиблар бошқарган бўлиб, улар катта ер эгалари, хоннинг қариндош-уруғлари ва маҳрамлардан тайинланган. Ҳокимлар хон томонидан лавозимга тайинланган ва лавозимидан озод этилган. Айрим ҳолларда хонлар жойларга борганда шу ерлик аҳоли орасидан маҳаллий мансабдор шахсларни лавозимга тайинлаган, шунингдек, муносибларини ўз лавозимида қолдирган ва тақдирлаган. Анъанага кўра, жойларга ҳоким сифатида баҳодир, оталиқ, маҳрам, хўжа, девон каби мансаб ва унвон эгалари тайинланган²⁵. Ҳокимларга ўзи бошқарадиган бекликда фақат ўзбек уруғлари бўйсунган. Қолган туркман, қозоқ ва қорақалпоқ уруғлари эса ўзларининг оқсоқоллари томонидан бошқарилган. Ҳокимлар ўзининг бошқарувидаги бекликда яшовчи юқоридаги халқларни назорат қилган, лекин хоннинг топшириғисиз уларнинг ички ишларига аралашмаган. Ҳокимлар хон топшириқларининг бажарилганини назорат қилиш, сув бўйича юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш, хонликдан келган ваколатли шахслар билан бирган солиқ ва йиғимларни йиғиш, аҳолини умумий ишларга сафарбар этиш, ирригация, йўл ва кўприкларни таъмирлаш, жиноятчиларни қамаш, бекликдаги ички тартибни назорат қилиш каби вазифаларни бажарган.

Азалдан ўтроқ аҳоли вакиллари масжидлар атрофида уй қуриб истиқомат қилишган ва ҳудудларини ушбу масжид қавми (жамоаси)га мансуб деб билишган. Бундан масжид-қавм тушунчаси келиб чиққан. Улар хонликда маъмурий жиҳатдан бекликлардан кейин турувчи қуйи бошқарув идоралари ҳисобланган²⁶. Масжид-қавмлар оқсоқоллар томонидан бошқарилган бўлиб, улар масжид-қавм фуқаролари томонидан сайланган. Оқсоқол номзоди хон тасдиғидан ўтган ва қозикалон унга ёрликни топширган. Ўзи бошқарадиган ҳудуддаги тартибни сақлаш, юқоридан келадиган фармонларнинг ижросини таъминлаш, солиқ ва йиғимларни йиғиб ҳоким ёки хоннинг масъул вакилига топшириш, ирригация ишлари учун одамларни тўплаш вазифаларини бажарган. Шунингдек, ўтроқ аҳоли ҳудудларида катта оқсоқол фаолият кўрсатган ва у оқсоқоллар кенгашини

²⁴ Ражабов Қ, Қандов Б, Ражабова – С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган олтинчи нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 161.

²⁵ Мадраимов Х.Р. Хива хонлигининг давлат тузуми ва ҳуқуқ манбалари: Юридик фанлар док ... дисс. – Тошкент, 2012. – С.77.

²⁶ Ўлдошев М.Ў. Хива хонлиги феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. – Тошкент: 1959. – Б. 272.

чақириш ваколатига эга бўлган. Кенгашда умумий аҳамиятга молик масалалар кўрилиб, булар юзасидан қарор чиқарилган.

Бухоро амирлиги маъмурий жиҳатдан Хива хонлигидан фарқ қилган. Амирлик маъмурий жиҳатдан вилоят (бекликлар)лар ва туман (амлоқдорлик)ларга бўлинган. Бекликларни ҳокимлар ёки беклар бошқарган. Бухоро амирлиги даврида мамлакат 27 та вилоят (улар бекликлар ҳам дейилган)дан иборат бўлиб, ушбу вилоятлар амлоқларга бўлиниб идора қилинган²⁷. Бекликларни кўшбеги тавсияси асосида амир томонидан тайинланадиган ва лавозимидан озод этиладиган беклар (вилоят ҳокимлари) бошқарган. Беклар ўзи бошқарадиган ҳудудда бошқарув, солиқлар йиғилишини назорат қилиш, суд ва полиция каби вазифаларни бажарган.

Бекликлар амлоқдорликларга бўлинган бўлиб уларни амлоқдорлар бошқаришган. Уларни ҳам кўшбеги тавсияси билан амирнинг ўзи тайинлаган. Бек ва амлоқдорлар ўз бошқарув ҳудудида чекланмаган ҳуқуққа эга бўлган. Уларнинг асосий вазифаси халқни итоатда сақлаш ва улардан йиғимларни йиғишдан иборат бўлган. Қози ва раислар бек ва амлоқдорларнинг ёрдамчиси бўлиб, улар жойларда тартибни сақлаш ва жазо чораларини назорат қилган.

Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) 1920 йил 26-30 апрелда бўлиб ўтган Бутунхоразм халқ вакилларининг I қурултойида тузилди ва унинг биринчи Конституцияси тасдиқланди. Хонликда мавжуд бўлган 20 та қалъа беклиги ва 2 та ноиблик тугатилиб, ХХСРда 22 та район советлари тузилди. Булар: Дарғонота, Питнак, Ҳазорасп, Бешариқ, Хонқа, Янги Урганч, Гурлан, Қипчоқ, Манғит, Қиличбой, Моноқ, Тошҳовуз, Порсу, Хўжайли, Кўхна Урганч, Қўнғирот, Хива, Иляли, Газовот, Шовот, Хитой ва Қўшкўпир²⁸.

Ҳар бир районнинг масжид-қавми (маҳалласи)да оқсоқоллар 6 ой муддатга сайланган бўлиб, улар ўз сайловчиларига ҳар ойда бир марта ҳисобот бериб турган. Янги сайланган оқсоқолларни олдинги оқсоқоллардан фарқ қилдириш учун “қизил оқсоқоллар” деб юритилган ва 1920 йил май ойида уларнинг сони 430 кишини ташкил этган. Қизил оқсоқолларнинг ташкил қилиниши ўзбеклар яшайдиган ҳудудларда масжид-қавмига ёки ҳудудига қараб сайланса, туркманлар, қозоқлар ва қорақалпоқлар яшайдиган ерларда уруғчилик шаклига кўра сайланган²⁹.

ХХСРнинг муваққат Конституциясида илк марта кенг халқ оммаси сиёсий ҳуқуқларни қўлга киритди. Маҳаллий советларга сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига дини, миллати, қайси уруғ-қабиладан келиб чиқиши ва жинсидан қатъи назар 18 ёшга тўлганлар эга бўлган. Шу билан бирга: 1) аксилинқилобчилар; 2) империалистик ҳуқуматга сотилган озодлик ва халқ

²⁷ Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда. – Б. 136.

²⁸ Ражабов Қ., Қандов Б., Ражабова С. Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). Тўлдирилган ва қайта ишланган 6-нашр. – Тошкент: Ўзбекистон, 2015. – Б. 161.

²⁹ Маткаримов М. Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иктисоди. – Урганч: 1993. – Б. 20-21.

манфаатлари сотқинлари; 3) рухий носоғлом инсонлар; 4) судхўрлар; 5) суд ҳукми орқали жазони ўтаётганлар; 6) хон ва унинг ворислари; 7) мазкур Конституцияга қарши фаолият юритадиган ва камсонли миллат вакилларига зулм ўтказадиган ва камситадиган инсонлар сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Хоразмда сайловларни ўтказиш учун Халқ Нозирлари Шўроси томонидан Марказий сайлов комиссияси тузилган. Мазкур комиссия жойларда сайловларни ўтказиш учун маҳаллий сайлов комиссияларини юборган.

Бутунхоразм халқ вакилларининг 1923 йил 17-20 октябрда ўтказилган IV қурултойида давлат номи Хоразм Совет Социалистик Республикаси (ХССР) деб ўзгартирилди ва янги Конституция қабул қилинди. Ушбу Конституция республиканинг социалистик қурилиш йўлига ўтишини қонун билан мустаҳкамлади. Жумладан, республикада ерга бўлган хусусий мулк бекор қилинди, мавжуд ерлар умумхалқ мулки деб эълон қилинди, барча вақф мулклари маориф нозирлиги ихтиёрига берилди. Аёллар ҳуқуқларининг эркаклар билан тенглигини эълон қилиниши мазкур Конституциянинг энг катта ижобий жиҳати бўлди. Натижада Хоразмда аёлларнинг бўлимлари, устахоналари, клублари, саводсизликни тугатиш мактаблари ва уларнинг бошқа маданий-маърифий ташкилотлари тузилди.

Бухоро амирлиги 1920 йил 2 сентябрда тугатилгач, унинг ўрнига Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ташкил этилди. БХСРда маҳаллий ҳокимият эса дастлаб инқилобий кўмиталар шаклида тузилди. 1920 йил 22 сентябрда БХСР Муваққат Инқилобий Кўмитаси томонидан “Маҳаллий инқилобий кўмиталар тўғрисидаги Низом” қабул қилинди³⁰. Низомга кўра, маҳаллий инқилобий кўмиталар Марказий Инқилобий Кўмита тайинлайдиган 5 кишидан иборат таркибда тузилган бўлиб, уларнинг зиммасига марказий ҳукумат томонидан қабул қилинган қонунлар, қарорлар ва фармойишларни бажариш, халқ ҳокимияти давлат идораларининг озиқ-овқат, молия, мактаблар ташкил этиш ҳамда маориф соҳасидаги ишларига раҳбарлик қилиш ва уни йўлга қўйиш вазифалари юклатилган. Шунингдек, улар ўз маъмурий чегаралари ва уларга бўйсунувчи жойларда барча масалалар ҳамда ишларни мустақил ҳал қилган. Бунда уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари марказий ҳукуматнинг қонунлари, қарорлари, фармойишлари ҳамда сиёсий йўлига зид бўлмаслиги керак эди.

1920 йил 6-8 октябрда Бутунбухоро халқ вакилларининг I қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилди. 1921 йил 18-23 сентябрда бўлган Бутунбухоро халқ вакилларининг II қурултойи бўлиб ўтди. Унда демократик руҳдаги БХСР Конституцияси қабул қилинди. Конституцияда давлатни идора этиш учун халқнинг барча табақа вакиллари иштироки таъминланди. Республиканинг барча фуқаролари хусусий мулкка эга бўлиши, қонун доирасида савдо-сотик, ҳунармандчилик ва деҳқончилик билан шуғулланишлари мумкинлиги Конституцияда ўз ифодасини топди.

³⁰ Қаранг: Бухоро ахбори. № 4. 1920 йил 5 октябрь.

Бухорода ўрнатилган тузум халқ демократик республикаси эди. Қонун доирасида сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги берилди. БХСРнинг ушбу Конституцияси барча фуқароларга тенг сиёсий ҳуқуқ берди, миллий тенгсизликни йўқотди. Таълим тизимига алоҳида урғу берилди. Ҳар бир миллат эгаси ўз она тилида фаолият юритадиган хусусий мактаблар очиши мумкинлиги таъкидланди³¹.

БХСР Конституциясига кўра Республиканинг маҳаллий идоралари тизими, ҳуқуқий ҳолати ва мақоми тартибга келтирилди. Унга кўра, жойларда маҳаллий ҳокимият вилоят, туман ва кент халқ депутатлари совети ва уларнинг ижроия кўмиталаридан ташкил топди. Мазкур даврда БХСР маъмурий жиҳатдан 15 вилоят, 58 туман, 108 кент ҳамда қишлоқ (овул)лардан иборат эди³².

Совет ҳокимияти шарқий Бухородаги қаршилик ҳаракатини тугатиш ва маҳаллий бошқарувни тўлиқ қўлга олиш учун Бухоро Марказий Ижроия Кўмитасининг 1922 йил 22 январдаги махсус қарори билан Фавқулодда диктаторлик комиссиясини ташкил қилди. Мазкур идора совет ҳукуматига қарши қуролли ҳаракат олиб борилаётган Шарқий Бухоронинг Фарм, Кўлоб, Шеробод вилоятлари ҳамда Душанбе ва Ҳисор туманларида бошқарувни амалга оширади.

1924 йил 18-20 сентябрда бўлиб ўтган Бутунбухоро халқ вакилларининг V қурултойи бўлиб ўтди. 19 сентябрда БХСРни Бухоро Совет Социалистик Республикаси (БССР)га айлантириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши ва ривожланиш босқичлари (1925 -1938 йиллар)”** деб номланиб, унда Ўзбекистон ССРда маҳаллий бошқарув идораларининг шаклланиши, сайлов тизими, фаолияти, ўзгаришлари таҳлил қилинган. Шунингдек, ер-сув ислоҳоти, “Хужум” ҳаракати, коллективлаштириш сиёсатини амалга оширишда маҳаллий бошқарув идораларининг ўрни масалалари таҳлил этилган.

Совет ҳукуматининг 1924 йилда Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказиши натижасида Ўзбекистон ССР 7 та вилоят ва алоҳида Нурота уездига бўлинган. Вилоятлар 32 та уезд, уездлар эса 312 та волостга ажратилган³³. Бутунўзбек Советларининг 1925 йилнинг 17 февридаги I таъсис қурултойида “Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг ташкил топиши тўғрисида Декларация” қабул қилинди³⁴. Ушбу қурултойда Ўзбекистон ССРнинг марказий бошқарув идоралари тузилди. Олий қонун

³¹ Қаранг: Советские конституции. Хрестоматия. В 4 частях. Часть 1. Первые советские республики, 1918-1922 гг. / Сост. Д.В. Кузнецов. [Электронный ресурс]. – Благовещенск: Благовещенский государственный педагогический университет, 2015. – С.113-119.

³² Қаранг: *Ишанов А.И.* Создание Бухарской Народной Советской Республики (1920-1924 гг.) – Ташкент: Издательство АН УзССР, 1955. – С.119-121.

³³ Қаранг: Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). Иккита китоб. Биринчи китоб. Ўзбекистон 1917-1939 йилларда. – Б.308.

³⁴ Ўзбекистон Миллий архиви, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 2384-иш, 154-варак.

чиқарувчи ва назорат қилувчи идора Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси (Ўзбекистон МИҚ) тузилди. Унинг биринчи раиси қилиб Й.Охунбобоев сайланди. Шунингдек, Ф.Хўжаев раислигидаги Ўзбекистон ССРниг ижро этувчи ҳукумати – Халқ Комиссарлари Совети ҳам тузилди.

